

**“ТАСДИКЛАЙМАН”**

**“АЛОҚАБАНК”**

**Бошқарув раиси уринбосари**

**Ф.М. Махкамов**



## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

### **БУЮРТМАЧИ**

#### **“АЛОҚАБАНК” АТ**

**ХУМО, VISA, Mastercard, UPI халқаро тўлов тизимларининг тўлов карталарини  
масофавий тақсимланган персоналлаштириш дастурлари тўплами орқали эмиссия  
қилиш**

**Тошкент -2022**



№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	“АЛОҚАБАНК” АТ да ХУМО, VISA, Mastercard, UPI халқаро тўлов тизимларининг тўлов карталарини масофавий тақсимланган персоналлаштириш дастурлари тўплами орқали эмиссия қилиш
2	Буюртмачи	“АЛОҚАБАНК” АТ
3	Танлов предмети	Халқаро тўлов тизимларининг тўлов карталарини масофавий тақсимланган персоналлаштириш дастурлари тўплами орқали эмиссия қилиш
4	Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси 4 А-уй
5	Танлов муддати	7 кун
6	Хизмат сифати учун кафолат муддати	Хизматлар тўлиқ бажарилгандан сўнг 12 ой
7	Танлов қиймати:	<ul style="list-style-type: none"> <li>• 700 000 000 сўм (ҚҚС сиз)</li> </ul>
8	Алоҳида талаблар	“АЛОҚАБАНК” АТ томонидан қўйиладиган талабларни ўз вақтида, тўлиқ ва мукамал бажариш
9	Танлов шартлари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Иштирокчи ташкилотининг рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги <b>Гувоҳнома</b>;</li> <li>2. Иштирокчида дастурий таъминотни таасарруф этишни тасдиқловчи хужжат;</li> <li>3. Иштирокчи фаолияти камида <b>2 йилдан</b> кам бўлмаган ҳолда фаолият юритган бўлиши лозим;</li> <li>4. Иштирокчининг дастурий таъминоти асосида охириги <b>5 йил</b> мобайнида камида <b>2 та</b> Ўзбекистон банкларида лойиха буйича ишларни амалга оширган бўлиши лозим. (тасдиқловчи хужжат: тижорат банкларининг хати);</li> <li>5. Танлов предмети бўйича белгиланган ишларни бажариш учун зарур бўлган профессионал кўникмаларга эга бўлган малакали мутахассисларнинг мавжудлиги.;</li> <li>6. Иштирокчининг дастурий тўплами орқали банк томонидан танланган ҳар қандай ишлаб чиқарувчи заводнинг карталарида ХУМО, VISA, Mastercard, UPI тўлов тизимларининг карталарини исталган моделдаги контактли, контактсиз ва дуал чиплари билан чиқаришни</li> </ol>

(персоналлаштиришни) таъминлаши керак. Биринчи боскичда – ХУМО ва VISA карталари; Иккинчи боскичда – Mastercard ва UPI карталари;

7. Иштирокчи ХУМО тўлов карталарини чиқариш мақсадида банкда ўрнатилган Entrust (Datacard) компаниясининг CE840\CE870\DC450 эмбоссерларида, шунингдек, шунга ўхшаш конфигурацияга эга бўлган янги сотиб олинган Entrust (Datacard) эмбоссерларида (шу жумладан Sigma DS4-ES1) қайд этилган барча тўлов тизимларининг карталарини параллел равишда персоналлаштириш таъминланиши керак;
8. Иштирокчининг дастурий таъминоти орқали магнитли лента (МЛ) маълумотларини тайёрлашни ҳамда контактли, контакtsiz ва дуал EMV карталари чипини ёзиш учун EMV маълумотларини тайёрлашни таъминлаши керак;
9. Иштирокчининг дастурий таъминоти орқали банк карталарни тўлик персоналлаштиришни таъминлаши керак, яъни магнит лентасини ёзиш, олд томондан карталарни эмбоссиялаш, картанинг орқа қисмидан индент босиб чиқариш, ЧИПни ёзиш, бўрттириб босилган белгиларнинг релефини қайд этилган тўлов тизимларига ва уларнинг спецификацияларига мувофиқ бўяш.;
10. Иштирокчининг карталарни охиргача персоналлаштиришни (до персонализацию) таъминлаши керак, яъни магнит лентаси ва ЧИП ни персоналлаштирилган карталарда олд томондан эмбоссиялаш.;
11. Иштирокчининг дастурий таъминоти Алокабанкнинг ўз процессингдан келадиган файллар билан ишлаши керак. Кириш файллари ва алмаштириладиган файллар форматлари кўшимча равишда батафсил муҳокама қилинади.;
12. Иштирокчининг дастурий таъминоти CE840\CE870\DC450, Sigma DS4-ES1 эмбоссерлари орқали банк инфратузилмаларида ва банкнинг

		<p>хизмат кўрсатиш марказларида персоналлаштиришни таъминлаши керак.;</p> <p><b>13.</b> Банкнинг марказларида эмбоссерлар бўлмаган тақдирда, банк карталарини чиқариш учун аризалар келиб тушиши мумкин, бунда банк карталари қайси хизмат кўрсатувчи марказидан келаётганини аниқлай олиниши керак;</p> <p><b>14.</b> Иштирокчининг дастурий таъминоти бир жойда – Банкнинг Марказий персоналлаштириш бюросидаги химояланган ҳудудда ўрнатилади. Ҳудудий персоналлаштириш марказларидаги ва Банк хизмат кўрсатувчи марказ операторлар тизими билан ўзаро алоқалар веб-интерфейс орқали амалга оширилиши керак.;</p> <p><b>15.</b> Иштирокчининг дастурий таъминоти Банкнинг камида 200 та хизмат кўрсатиш офисларидан карта чиқарилишини таъминлаши ва бошқаришни таъминлаши лозим. Бунда ҳар бир бўлинма ходими ўз бўлинмасига тегишли карталарини кўра оладиган даражадаги созлама таъминланиши лозим бўлади.;</p> <p><b>16.</b> Иштирокчининг дастурий таъминоти Банк маълумотнома базаси, эмбоссерлар ва картоматлар маълумотнома базасига эга бўлиши ва уларни Банк талабига асосан юритилишини таъминлаши керак.;</p> <p><b>17.</b> Иштирокчининг дастурий таъминоти орқали банк ходимларининг тизим маъмури томонидан белгиланган ҳуқуқ ва ролларга мувофиқ ишлашини таъминлаши керак.;</p> <p><b>18.</b> Иштирокчининг дастурий таъминоти банк карталари чиқаришни тезкор бошқариш имкониятини таъминлаши керак. Оператор айти дамда чиқарилиши керак бўлган турли хил тўлов тизимлари карталарини танлаш имкониятига эга бўлиши керак.;</p> <p><b>19.</b> Иштирокчининг дастурий таъминоти банк карталарини чиқаришда устуворликларини ўрнатиш ва уларни ўзгартиришни таъминлаши керак.;</p>
--	--	--

- |  |  |  |
|--|--|--|
|  |  | <p><b>20.</b> Иштрокчининг дастурий таъминоти банк карталар билан гуруҳли операцияларини таъминлаши керак: чиқаришдаги устуворликларини ўзгартириш, карталарни чиқаришни бошқа бўлинмадаги бошқа эмбоссерга ўтказиш ва бошқа операциялар.;</p> <p><b>21.</b> Иштрокчининг дастурий таъминоти ўтган кун билан бир қаторда, календар вақтининг белгиланган муддатлари учун ҳам, хизмат кўрсатувчи марказ доирасидаги филтрлар, маҳсулот карталари ва чиқарилган карталар сони бўйича карталарни чиқариш тўғрисида ҳисоботларини PDF форматда шакллантиришни таъминлаши керак.;</p> <p><b>22.</b> Иштрокчининг дастурий таъминоти эмбоссерлар ва сарф материаллари ҳолатини мониторингини таъминлаши керак.</p> <p><b>23.</b> Иштрокчининг дастурий таъминоти Банкнинг Марказий персоналлаштириш бюросида тизим учта муҳитда (синов, захира, ишлаб чиқариш): 2 та Windows 10 ишлаб чиқариш серверларида, 2 та Windows 10 захира серверларида ва 1 та Windows 10 синов серверида ўрнатиш керак. Операторлар фаолияти Windows 7-10 операцион тизимига эга стандарт компьютерда инсталланган замонавий браузерда web-интерфейс орқали амалга оширилиши керак.;</p> <p><b>24.</b> Иштрокчининг дастурий таъминоти Premium ёки HSM Thales ProtectServer прошивкаси билан HSM Thales payShield билан ишлаши керак.;</p> <p><b>25.</b> Иштрокчининг дастурий таъминоти марказий персоналлаштириш бюросидан эмбоссерга узатиладиган маълумотларнинг шифрланиши таъминланиши керак. Маълумотларни декодлаш бевосита эмбоссерда амалга оширилиши керак.;</p> <p><b>26.</b> Иштрокчининг дастурий таъминоти банк карта рақами (ПАН) экранда, ҳисоботларда ва логларда акс эттирилганда маскаланиши керак.;</p> |
|--|--|--|

27. Иштрокчининг дастурий таъминоти 200 тагача эмбоссерни бошқариш учун масштаблаш имкониятига эга бўлиши керак. Масштаблаш тизим созиламалари орқали амалга оширилади.;
28. Иштрокчининг дастурий таъминоти grg форматидаги шифрланган файлларни ўқиши учун кирувчи файлларни қайта ишлаш имкониятига эга бўлиши керак.;
29. Иштрокчининг дастурий таъминоти бош офис омборига ва филиаллар омборларига келиб тушадиган банк карталарни ҳисобга олиши, куннинг охирида ёки бошида реал вақт режимида бош офисдаги/омбордаги ва барча филиаллар омборидаги нуқсонсиз ва нуқсонли карталарнинг ҳақиқий сонини кўрсатиши керак. Тизим эмбоссер билан ишлаш сменаси вақтида ҳисобот остида карталарни чиқариш, смена охирида эса карталарни ҳисобга олиш ва қайтариш учун масъул бўлган шахсга филиал омборидан карталарни бериш функцияналига эга бўлиши керак, шу билан бирга Тизим автоматик равишда смена бўйича ҳисобот тузади ва чиқарилган ҳамда шикастланган карталар бўйича тизимдаги қолдиқларни ҳисоблаб чиқади, шикастланмаган ёки шикастланган карточкаларни масъул шахсга омборга қайтаради, карталар сони бўйича автоматик равишда PDF форматида ҳисобот тузади, бу ҳисобот сменани очиш ёки ёпиш пайтида томонлар тарафидан чоп этиш имконини тақдим қилиши керак.;
30. Иштрокчининг дастурий таъминоти персоналлаштиришни бошқариш ҳамда банк карталарни бериш ва қабул қилишни бошқариш бўйича турли хил ролларга эга бўлган ҳаракатларни тасдиқлаш учун икки томонлама назоратга эга бўлиши керак.;
31. Иштрокчининг дастурий таъминоти банк доменидаги фойдаланувчиларнинг ҳисоб

		<p>ёзувлари логинлари билан боғлиқ роллар билан ишлай олиши керак.;</p> <p><b>32.</b> Иштрокчининг дастурий таъминоти банк картоматларида банк карталарни чиқаришни таъминлаши керак. Картоматнинг дастурий таъминоти қуйидагиларни таъминлаши керак: мижоз билан мулоқот, мижозни идентификация қилиш, банк картани чиқариш аризасини автоматик равишда шакллантириш учун банкнинг автоматлаштирилган банк тизими (АБТ) билан алоқа қилиш. Картоматнинг дастурий таъминоти картоматнинг периферик қурилмаларини бошқариши ва ишлашини таъминлаши керак: бинокуляр 3-D камера, QR-кодни ўқиш қурилмаси, ўрнатилган ПИН-клавиатура ва сканер. Картомат мижоз томонидан картанинг ПИН-кодини ўрнатиш имкониятини таъминлаши керак.;</p> <p><b>33.</b> Иштрокчининг дастурий таъминоти картоматларнинг ҳолати, шу жумладан бошқарув компютери ва ташқи қурилмалар, картоматларга ўрнатилган эмбоссерлар бўйича, ҳамда сарф материаллари мавжудлиги юзасидан марказлаштирилган мониторингини таъминлаши керак.</p>
10	Танлов ҳужжатларини тақдим этиш:	бепул
11	Танлов учун масъул шахс: (тел.)	Салиев Зиедулла Патхиллаевич +998712307777 ички 377
12	Электрон почта:	info@aloqabank.uz
13	Ушбу эълон билан “Алоқабанк” АТ танлов иштирокчилари билан шартнома тузиш бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди.	

**Тайёрлади:**

Процессинг маркази  
директори



З.Салиев